«Тасдиклайман»

Узбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси бошлиги

_____________ Ф Муротов

# Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун Танлов хужжатлари

Номи; Фукаролар Ташаббуси жамгармаси хисобидан Учбулак МФЙга ичимлик суви кудугини казиш учун лойиха ва лойиха олди хужжатларини тайёрлаш экспертизадан утказиш.

Узбекистон тумани-2022

## Танлов хужжатларинининг мазмуни;

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома

2. Техник кисм

3. Нархлар кисми

## Танлов иштирокчиси учун йурикнома

### 1. Танлов предмети ва тахминий киймати

1, Танлов пердмети: **Фукаролар Ташаббуси жамгармаси хисобидан Учбулак МФЙга ичимлик суви кудуги казиш учун лойиха ва лойиха олди хужжатларини тайёрлаш экспертизадан утказиш.**

2 Танлов киймати: 17 160 000 (Ун етти миллион бир юз олтмиш минг) Ушбу кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди

3 **Учбулак МФЙга ичимлик суви кудуги казиш учун лойиха ва лойиха олди хужжатларини тайёрлаш экспертизадан утказиш** буйича Техник Топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

4 **Учбулак МФЙга ичимлик суви кудуги казиш учун лойиха ва лойиха олди хужжатларини тайёрлаш экспертизадан утказиш** муддати аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади

### 2 Танлов ташкилотчилари

2,1 Узбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси (Бундан кейин-буюртмачи деб аталади ) танлов ташкилотчиси хисобланади

Буюртмачи манзили: Фаргона вилояти Узбекистон туман А Навоий кучаси 29 уй

2,2 Танлов «Буюртмачи » томонидан танловлар утказиш буйича тузилган шХарид комиссияси томонидан утказилади

2,3 Танлов Узбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси–«Буюртмачи » томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда утказилади.

## 3 Танлов иштирокчилари

3,1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда товар, иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган , камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3,2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади ;

Танлов пердмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси , Товар, иш ва (хизматлар) ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахасисларининг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фукаролик- муомала хукукий- лаёкат ва ваколатлар ;танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Низом маблаги микдори.

3,3 Агар танлов предмети булган товар, ишлар(хизматларни)бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3,4 Куйидаги талабгорларга танлов жараенларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Кайта ташкил этилиш (Ажратилиш , кушилиш), тугатиш еки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара килинганлар , хамда муассислик келишув , молиявий иштирок ,холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилилий –хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжуддир.

## 4 Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4,1 Иштирочилар уз таклифларини электрон куринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4,2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар , маълумотлар «Буюртмачи»ва «Иштирокчи»ихтиерига кура узбек еки рус тилида тақдим этилиши мумкин

4,3 Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим

- Техник кисм «Буюртмачи » томонидан куйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган товар ,бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак

-Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида , махсулот етказиб бериш муддатлари, тулов тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак

**4,4 Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:**

Техник нархлар буйича куйидаги таклифлар:

-Техник хужжатлар руйхати (Брошюралар, техник паспортлар еки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади )

-Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илоа килиниши лозим

**4,5 Танлов иштирокчиси:**

- Факат битта таклиф бериши мумкин;

-Тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги, ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларни кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5 Таклифларни такдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиш карори асосида амалга оширилади.

5.2 Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим

## 6 Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конучиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича коунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларнихакикийлиги а тугрилигига жавобгардир Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конучиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шатнома тузишга мажбурдир

## 7 Бошка шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли Товарни(ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар беиш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камидан ун кунга узайтирилиши керак Шу билан бирга бир вактда агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонга белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдгансанадан камида икки кун олдин келиб тушган булса ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт Танлов хужжатларининг коидаларига дор тушунтиришлар уларнингмазмун мохиятини узгартирмаслиги керак.

7. таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссисининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланганкундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килингандан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаетган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади